

АЖОЙИБ КОСМИК ТАДҚИҚОТ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашмиш!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССРОлий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21-ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН + 18 январь 1973 йил, пайшанба ♦ № 15 (15.489) ♦ Баҳоси 2 тишш.

ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА

Л. И. БРЕЖНЕВ БХР, ВХР, ГДР, ШХР, РСР ВА ЧССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛАРИНИ КАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 16 январда Кремлда Болгария Халқ Республикаси ташқи ишлар министри П. Младенов, Венгрия Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Я. Петер, Германия Демократик Республикаси ташқи ишлар министри О. Винсер, Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министри С. Ольшовский, Руминия Социалистик Республикаси ташқи ишлар министри Д. Маковеску, Чехословакия Социалистик Республикаси ташқи ишлар министри Б. Хнеукуни қабул қилди. Улар ВХР, ВХР, ГДР, ШХР, РСР, СССР ва ЧССР ташқи ишлар министрлари кенгаши муносабати билан Москвага келишган эди.

Л. И. Брежнев билан министрлар ўртасида халқаро миқёсда социалистик мамлакатлар ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари, шу жумладан Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш хусусида самимий суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Натусев ва ЧССР ташқи ишлар министри А. А. Громико қатнашдилар. (ТАСС).

БХР, ВХР, ГДР, ШХР, РСР СССР ВА ЧССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

15-16 январь кунлари Москвада Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикаси ташқи ишлар министрларининг кенгаши бўлиб ўтди. Бирлик ва дўстлик аянигида ўтган кенгашида Европадаги хавфсизлик ва манфаатдор давлатлар ўзаро фикрлашиб олаётган ташқи ишлар алоқадор масалалар муҳокама қилинди.




Пахтаобод районидagi «Правда» колхози чорвадорлари тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида давлатга мўл-кўл гўшт ва сўт маҳсулотлари топшириш учун эўр гайрат нўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Суратда: илгор сўт соғучилар — (чапдан) ўз боқимидаги 17 та сигирдан 28 тонна сўт соғиб олишга аҳд қилган М. Сотнболдиева, (ўнгда) боқимидаги сигирларнинг ҳар бирдан кунига 7—8 литрдан сўт соғиб олаётган Т. Қодинова.

Ш. Олимов фотоси.

ОҲАНГАРОН ЦЕМЕНТ КОМБИНАТИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Комбинат коллективи юбилей йилининг планини ва ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарди. Пландан ташқари 28332 тонна цемент ишлаб чиқарилди. Барча техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича топшириқлар ошириб бажарилди. Комбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифок Касаба Союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1973 йилги халқ хўжалик планини муддатидан олдин бажариш учун санаот, қурилиш ва транспорт ходимларининг Бутуниттифок социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарорини қизгин маълумлаш, қуйидаги мажбуриятларини зиммаларига олдилар: — 1973 йилнинг ишлаб чиқариш


планини 28 декабргача е бажарамиз; — пландан ташқари 12 минг тонна цемент, 1 миллион 600 минг асбоцемент шартли плитқаси, 4 минг куб метр минерал момик, 15 шартли километр асбоцемент қувурлар ишлаб чиқарамиз ва пландан ташқари камида 30 минг сўм фойда оламиз. Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ўсишнинг ҳаммасини меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан қўлга киритамиз; — цемент сифатини оширамиз ва унинг ўртача маркисини 416,5 га етказамиз; — 350 минг киловатт-соат электр энергияни тежамиз, рационализириш тақдирларини ва иxtи-роларини жорий қилиш йўли билан йилга 120 минг сўмлик шартли маблағ тежашга эришамиз; — 1200 кишини турли ўқишларга тортамиз, шу жумладан 250 ки-



16 январда «Луна-21» совет автомат станцияси Ойга охира қўнди. У бу ерга ўзюрар «Луноход-2» аппаратини олиб чиқди. Бу аппарат Ой сатҳида тадқиқот ишларини давом эттиради. Луноходга ва қўниш босқичига СССР Давлат байроғи, В. И. Ленин барельефи, Совет Иттифоқи Давлат гербининг тасвири туширилган ва «СССР»нинг 50 йиллиги деган сўзлар ёзилган вимпеллар ўрнатилган.



Суратларда: луноходга ва қўниш босқичига ўрнатилган СССР Давлат байроғи; луноход ва қўниш босқичига ўрнатилган В. И. Ленин барельефи тасвири туширилган вимпел; луноход ва қўниш босқичига ўрнатилган вимпеллар; «Луна-21» автомат станциясининг қўнган жойи аниқ эътирилган. (ТАСС фотохронисаси).



„ЛУНОХОД-2“ РАВШАНЛИК ДЕНГИЗИДА ИШ БОШЛАНДИ

«Луна-21» станциясининг учинчи мутахассислар бошқариб турган ва унчалик катта бўлмаган зал жамит бўлиб қолди. Бир неча кун давомида Ой йўлдоши бўлиб турган аппарат Ойнинг атрофини қирқ биринчи марта айланиб ўтиб қўнишга олдиди. Бажарилиши лозим бўлган бир қанча «муъжизавий» операцияларнинг аниқ программаси станциянинг электр «мияси»га жойлаштириб қўйилган. Бу операциялар санокли мениулар ичида бажарилиши лозим. Бунинг бажаришга Ернинг аралашуви мумкин эмас, чунки Ердан юборилмаган командалар Ойга бир секунддан кўпроқ кечикиб боради. Шу вақт ичида «Луна-21» ўз орбитасида икки километрдан эиндроқ кўл босади. — Станциянинг баландлиги 18 километр деб хабар қилди оператор. Электрон соатга қарайман соат 1,29 минуту 39 секунд. Тормозловчи двигател ташқи ташқи. Шу пайтда станция Равшанлик денгизининг Туш қўлидан ажратиб турган бўғоз тепасига бориб қолган эди. — Программага мувофиқ Ой юзасига 2 километрдан сал кўпроқ қолганда асосий тормозловчи двигателнинг иши автоматик равишда тўхтади ва «Луна-21» Ой юзасига бемалол туша бошлади. — Электрон таблода неон рақамлар ялғир қўриқди. Шу онда операторнинг йўлда-йўлда қилиб айтиётган гаплари динамиклардан эшитилди:

— юмшоқ қўндирувчи двигателлар программани курсатилганидек аниқ ишлади. Бу вақте 1973 йил 16 январда соат 1, 34 минуту 0,3 секундда соатнинг ҳажонланган овози билан хабар бермоқда. Станция Ой юзасига юмшоқлик кўнганлиги эинди ҳаммага равшан бўлса ҳам аммо орадан еттиги 1 минут ўтган, оператор ўзининг ҳажонланган овози билан хабар қилди: — Станция қўнди! Ҳажонланган эитробга солиб турган кутуш ҳажони бир ондак йўқолди. Одамлар шодликларини кўтлашга киришдилар. Буларнинг қўлига Ойга ўчирилган босқичи автومات станцияларини бошқарган кишилардир. Эинди программмага мувофиқ пауза бошланди. Бу танлафуқ ярим соатча давом этди: «Ойга назорат солиб унинг манзарасини суратга олиш керак». — Экинчи штурманларига ерданлашиб турган ойшунос олими журналистларга деди: — Биз Ой кўрасининг жууда муҳим районига станцияни қўндиридик. «Луноход-2» қадимий Ломоносов кратерига элтиб қўйилди. Бу кратернинг диаметри 55 километрге яқин. Ҳозир у Равшанлик денгизининг бир чеккаси бўлиб қолди. Олимларнинг фикрича, бу қадимий кратер бундан уч миллиард йилларча муқаддам вуқудга келган. Кратер чеккасининг фарбий қисми қўлаб тушган. Равшанлик денгизининг бутун шарқий соҳили ва жумладан кратернинг оғзи, ден-

гиз юзасини қўлаб турган лаваларнинг ешига нисбатан катта эмас, деб фараз қилинмоқда. Булар вуқудга келгандан бери икки ярим миллиард йил ўтган бўлса керак. Ойни ўрганиш ва ўзлаштириш маитиқ, деб давола қилди олими, «Луноход-1» программасини шунингча тасвирлаб қўйишнинг ўзинингча талаб қилмайдди. Бу сафарги экспериментини биринчи экспедициянинг давоми десга бўлади. Биринчи эксперимент чоғида Ой денгизига хос бўлган лавашэфини ўрганиш мақсад қилиб олинган эди. Ҳозир эса «Луноход-2» денгизининг нисбатан аш унчаласида турбди. Олимлар Ойни бундан олдинги тадқиқ қилиш давомида қўлланган маълумотларни анча тўлдирадиган муҳим материалларни қўлга киритишлари мумкин. «Луноход-1» Ой денгизига йўл очиб берди, унинг давомида «Луноход-2» эса соғиқ зониси материал билан денгиз ўртасида чегара зонани тадқиқ қилишга киришди. Ҳозирги кунда Ой томон олиб борилган йўл, дастлабки қарашда бирунча ўрганишнинг ўзлаштирилган космик трассасидек бўлиб қўрилади. Бу йўлларин бундан ўн тўрт йил муқаддам бизнинг ўрганиш станцияларимиз босиб ўтган эди. Шундан бери 20 та совет а-томат аппаратлари Ой юзасига неча марталиб қўнди. — Конструктор старт тўғрисидаги ўзининг тахассустларини журналистларга хабар қилиб берди. Эксперимент программасига мувофиқ қатий равишда 8 январь

Москва вақти билан соат 9.55 минутда старт берилди. Ердан старт ва суний йўлдош орбитасидан бошланган старт бекам-кўст ўтди. «Луна-21» Ой томон олиб борилган траекторияга шу қадар аниқ ўтиб олдики, натижада унинг траекторияси фақат бир мартагина тўғрилаб қўйилди ҳолос. Бу ахшилик аломати бўлди. Лекин «Луна-21» мана шу траекторияда ўзининг бирдан бир қўнишга йўлини кўрсатди, дегини радио бўлиб қолган «Луна-21» радио пайкаб турадиган зонадан тақминан бир соат чамаси қўйиб бўлади. Тинч океанда сузиб юрган фан кемалари «Луна-21»ни қўнишга қўйганда кейин Атлантикадаги фан кемалари уни кузатишга киришгунча орада бир соатча вақт ўтди. Атлантика океанида сузиб юрган кузатувчи станциялардан ахборот келишини олиш қосиқ алоқа марказида сабрсизлик билан кутиб турбди. Ҳудди шу пайтда, станция билан биринчи алоқа боғлаган оператор станциянинг таъналаридан бери, конструкторлар ҳазил қилиб қўнган ном билан айтганда, унинг иккинчи «оёғи», очилмапти, деб бирданга хабар бериб қолди. Бу хабар унчалик ҳажонга солмаган бўлса ҳам, аммо унинг қўниш вақтидан жихати ҳам йўқ эди. Орадан ярим соат ўтган «Луна-21» олиш қосиқ алоқа марказининг антенналари еқра оладини йўлга тушиб олди, англаш-шимловчиликнинг сабаби ҳам очил-

иб қолди: алоқа линиясида ҳато бўлган экан. — Учиб борётган лабораторияни «ишга солиб», биринчи фототелевизион манзарани суратга олишга қарор қилинди. Эинди «Луна-21»нинг учинчи босқариш «Луноход-2»нинг экинчи жойлашган бошқа залга ўтказилди. Массулиятли операцияни бажариши — аппаратни Ой юзасига тушириш лозим бўлган ҳайдовчининг кўз олдига жойининг манзараси аққол аниқ кўринди. «Луна-21» унчалик катта бўлмаган икки кратер ўртасидаги теп-текис майдончада қимирламай турарди. Металлдан хсалган маҳсус кўприкчани чиқариш мумкин, ўзи юрар аппарат мана шу кўприклар орқали ўтиб базалдан иборат текисликка туша олади. Ойнинг манзарасида аниқ кўри-ниб турган уфқ чизигида унчалик балан бўлмаган қатор-қатор чўки-килар тўстатдан пайдо бўлади. Булар Ойдаги тоғлар — Татур массиви.

«Луноход-2»нинг ҳайдовчиси — слова бошқарув тутиқини эҳтиёт-лик билан буради. Электр двигателлар ҳаракатга қолади. Шундай қилиб, 1973 йил 16 январь Москва вақти билан соат 4.14 минутда ўзюрар автомат обсерватория Ой юзасига йўлга тушди. Олдинда, бир неча метр нарида аниқгина эски кратер бор. Унинг диаметри 15 метр Биринчи «Луноход»ни юришга ўргатилаётган илгариги вақтда бу кратер синга-

ри табиий тўсиқ қизғин мунозарарга сабаб бўлар эди. Ҳозир эса, «Луноход» уни бемалол босиб ўтиб кетди. Орадан ярим соат ўтган «Луноход-2» ўз йўлини бошлади ва қўнган жойидан 30 метрча нарироқда тўхтади. Экинчи текис майдончани таълаб олиб «Луноход-2» ҳам таш пайтда юрмай турверди. Шу сабабли яқин икки кун ичида машинанин жойини жуда кам ўзгартириш керак, деган қарорга келинди. «Луноход-2» билан биринчи алоқа сеанси тўғрида. Қўниш ва Ойда ишлаш программаси тўла равишда бажарилди. — Узиюрар илмий обсерватория фан манфаатлари, бутун инсоният манфаатлари учун вахтада туриб ишлашга киришди. Д. ДМИТРИЕВ, [ТАСС махсус мухбири]. Олис космик алоқа маркази.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети атоқли олими, таниқли жамоат арбоби, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг ректори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофотларининг лауреати академиги Иван Георгиевич Петровский 1973 йил 15 январда 72 йишда тўстатдан вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

МУСОБАҚА — ҒАЛАБАЛАРИМИЗ ТА РОВИ

Ўзбекистон ССР Тошкент область Янгийул районидаги уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз «билан Тожикистон ССР Регар районидаги Ленин номли колхоз эълолари 1967 йилдан буён ўзаро социалистик мусобақалашиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, экономикани мустаҳкамлаш, қурилиш-ободончилик соҳаларида катта муваффақиятларга

эришмоқдалар. Улар 1973 йилда ҳам анъанавий мусобақани давом эттиришга қарор қилдилар. Бу мусобақа ўзбек ва тожик халқларининг абадул-абад интернационал дўстлигининг рамзига айланади. «Совет Ўзбекистони» ва «Тожикистон Совети» газетлари мусобақанинг бориши ҳамда яқунларини мунтазам ёритиб боради. Қуйида шу ҳақдаги материалларни ёритмоқдамиз.

Б У Р Ч Ч О Р Л А Й Д И

КПСС Марказий Комитетининг Бosh секретари Л. И. Брежневнинг СССРнинг 50 йиллиги ҳақидаги сармазми, ёрқин доқлада илҳозчи деҳқонларимизнинг дилларини қувончларга тўлдирди. Партиямиз раҳбарлигида ўтган эллик йилда Ватанимизни соҳил, иқтисодий ва маданий соҳада юксалтириш, коллектив хўжаликлар экономикасини мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилашда эришилган муваффақиятлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Колхозимиз аъзолари тожик дўстларимизнинг қаҳирини яна бир қарра қабул қилиш билан 1973 йилда қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотлари етиштириш бўйича қуйидаги социалистик мажбуриятларни олдидлар.

1500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиб, давлатга 6.000 тонна пахта сотамиз. Халқимизга 380 тонна сўт, 108 ярм тонна бўрдоқ ва сўнча гўшти армуғон этамиз. Бунинг учун ҳар бosh сизгирдан 2.600 литрдан сўт соғиб олишни таъминлаймиз, ҳар бosh сизгирдан 3 минг литрдан сўт олаётган сизгир соғувчиларнинг иш тажрибасини умум ферма ходимлари ҳақидаги таълимнинг қўлланмалари билан таъминлаймиз. Ҳар бosh қорамолнинг тирик вазнини 450 килограммга етказиб гўшта топирамиз. Чорва молларини туёқ сонини ҳисобга кўпайтириш планларининг барча турлари бўйича гўла бақарилишини таъминлаймиз. Жун, тузум тайёрлашни ўтган йилдагидан анча кўпайтирамиз.

Уртоқ Л. И. Брежневнинг «Биз шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнатқилларига мурожаат қилиб, шу гапларни очиб айтмамиз: ўртоқлар, 1973 йил планини бақариш сизларга боғлиқдир. Ишлар синфимиз, деҳқонларимиз, зиёлиларимиз партиянинг давлатига янги меҳнат зафарлари билан жавоб бердилар, беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йили топириқларини муваффақиятли бақариш учун куч-ғайратларини аямийдилар, деб ишонимизда деган сўзлари колхозчи деҳқонларимизни янги зафарларга чорламоқда.

1973 йилнинг вазиқларини аниқ, уни бақариш учун ҳамма имкониятларга эгамиз. Ер, сув, ўғит, техника изамимизда, ишчи кучидан қамчи жойимиз йўқ. Энг муҳими — давлатимиз катта моддий-техника ёрдами бериляпти. Ана шу имкониятлардан самаралар олиш, оқилона, ишнинг қўзини билиб фойдаланишда социалистик мусобақа ҳал қилувчи кучдир. Айни кезде мусобақа қардош халқлар, эл-элатлар интернационал ленинча дўстлигининг рамзида. Шуларни ҳисобга олиб, Тожикистон ССР Регар районидаги Ленин номли колхоз эълоларининг 1973 йилда пахта, чорвачилик ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш юзасидан социалистик мусобақа боғлаш ҳақидаги чорларини жонидан қабул қиламиз.

Пахта-беда алмашлаб экинни жорий қилиш билан чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаймиз. Механизатор кадрларини малакасини ошириш йўли билан теорияни машинаштиришни кўпайтирамиз. Ирригация-мелiorация ишларини яхшилаб, тўпроқ унумдорлигини оширамиз. Гербицидлардан самарали фойдаланамиз. Маҳсулот танларини камайтириб, рентабеллигини кўпайтирамиз. Кадрларнинг иқтисодий билимини оширишга алоҳида аҳмиёт берамиз. Ҳар гектар ерга 8-10 тонна маҳаллий ўғит солишимиз таъминлаймиз.

Колхозимиз кўп тармоқли хўжалик. Барча тармоқларнинг рентабелли бўлишига эришамиз. Давлатга 2.500 тонна қаноп, 17 тонна пилла, 600 тонна сабзавот, полка ва картошка маҳсулотларини, 360 тонна мена ва узум етказиб берамиз.

Қўқлам экин мавсумига тайёргарлик ишларини пешма-пеш тугалламоқдамиз. Пахта ерлари сифатини шудгорлаб қўйилди. 25 та ер ҳайдош, 63 та чопиқ тракторлари ремонтни тугалламоқдамиз, бошқа хил механизмларни ҳам тез кўнда сармашлаб бўламиз.

Колхозимизда 1005 бosh қорамол, шу жумладан, 281 бosh сизгир бор. Қўйлар, чўчқалар, паррандалар сонини йил сайини кўпайтириляпти. 1973 йил чорва қишлоқини таъминлаш ҳисобидан уюшқоқлик билан ўтказамиз, маҳсулот миқдорини кўпайтирамиз, чинкига йўл қўйамиз, чорвадорларнинг Бутунитифоқ социалистик мусобақасида голиб чиқиш учун курашамиз.

Кўш фаслида колхозчи деҳқонларини агро зоотехника курсларида ўқитамиз, механизаторларнинг янги отрядини тайёрлаймиз. Утган йили машиналарда 1521 тонна пахта терилган эди, бу йил ана шу рақамни 2 минг тоннага етказамиз. Уруғлик белгит, минерал ўғитларини ташиб олишни белгиланган вақтда тугаллаймиз.

Партия, касаба союз, комсомол тошқотларининг фаолияти, таъсир доқраси, ташқиотчилик ролини янада кўпайтирамиз, идеология ишнини меҳнатқиллар беш йилликнинг учинчи йили топириқларини мунтазам илгари бақаришга сафарбар этиш руҳида олиб берамиз.

Мусобақадорларимиз Ленин номли колхознинг 1973 йилда пахтадан энг юқори ҳосил олишини таъминлашга бригада бошлиқларини, илгор механизатор, сувчи ва бошқа касб эгаларини моддий ва маънавий рағбатлантирамиз.

Қўқлам экин мавсуми ишларининг боришини шу йил апрель ойида, гўза парварини соҳасида қилинётган ишларини июль ойида ўзаро текширишдан ўтказамиз, йил охирида планлар ва мажбуриятларнинг бақарилиши ҳақида мусобақадорларимизга ахборот берамиз, белгиланган мукофотларни тантанали равишда топирамиз.

Колхоз аъзолари номидан: **Узарбой ЖУРАЕВ,** Ўзбекистон ССР, Тошкент область Янгийул районидаги уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз раиси.

Буртон СУЛТОНОВ, партия комитетининг секретари.

Тошқабой ЖУМАТОВ, касаба союз комитетининг раиси.

Абдуманнон УТАМБОВ, комсомол комитетининг секретари.

Райимберди ЯҲДОШЕВ, пахтачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Турсунқул ДУСЕBOEV, пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси.

Ю К С А Л И Ш Й У Л И Д А

СССРнинг 50 йиллик юбилейи, КПСС Марказий Комитетининг Бosh секретари Л. И. Брежневнинг ишчи қалбини тўқилантирувчи, илҳомбахш доқлада тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзилди. Бундан эллик йил муқаддам барпо этилган кўп миллатли ягона социалистик давлат индиликда бутун жаҳонга нур таратмоқда. Бу билан биз совет кишилари, барча тараққийпарвар инсоният ҳечқиса фахрланамиз.

Биз ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, қолаверса, элатлар бахтлимиз. Эллик йилдан буён бошимизда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг социал адолат, тинчлиги, дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлик голяри ёзилган қизил байроғи хилдираб турибди. Партиямиз раҳбарлигида барча миллатлар ва элатларнинг намойндадари шу байроқ остида коммунистни қурилиш вазиқларини бақаришмоқдалар. Мамлакатимиздаги 100 дан ортиқ миллатлар ҳамдўстлигининг рамзига айланган байроқ ҳаммамизни беш йиллик план топириқларини шараф билан бақаришга руҳлантирмоқда.

Уртоқ Л. И. Брежнев пахтакорларнинг меҳнатини юксак баҳолаб, бундай деди: «Социалистик пахтакорларимиз тўғрисида алоҳида гапирмай бўлмайди. Бу йил уларнинг меҳнати ҳам энгил кўчмади. Пахта учун ҳам об-ҳаво шароити оғир келди. Аммо бу ҳол мамлакатнинг «оқ олтин» ҳосил қилувчиларини чўчқатди. Партия янгиликлариди, ишлаб чиқариш кенгашларида, Тошкентда ўтказилган республикалараро учрашувда Урта Осн республикалари, Қозғоғистон ва Озарбайжон пахтакорларини ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олди. Улар халқимизга ўтмишда энг кўп ҳосил олинган йилдагига нисбатан кўпроқ пахта — етти миллион бир юз ўнги беш минг тонна пахта берамиз, деб ваъда қилдилар. Улар зўр гайрат, фидокорлик билан меҳнат қилдилар ва ваъдаларининг устидан шараф билан чиқдилар. Олинган мажбуриятлар гўла ва ошариб бақарилади. Ҳар қачондагина энг кўп пахта ҳосил олинди. Давлатга 7,3 миллион тонна пахта сотилди. Шу жумладан, Ўзбекистоннинг бир ўзинга 4 миллион 700 минг тонна пахта топириди».

Беш йилликнинг иккинчи даврасини гоит катта муваффақиятлар билан яқунлади. Энди ҳал қилувчи давр — учинчи босқичга кирди. 1973 йилнинг юқи олдинги йилларидан оғир, манзили оса узок, Ленин юқинида ўтқандир кўрол бор — фан-техника ютуқлари, илгор тажриқовлар пахтакорлар хизматидир. Беш йиллик учинчи йили топириқларини бир ёнадан бosh чиқариб ҳамкорликда бақариш, тажриқовларнинг ўртоқлашиш, бир-биримизга ўргатиш ва ўрганиш мақсидида Ўзбекистон ССР, Тошкент область Янгийул районидаги уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз аъзоларини социалистик мусобақача чарамиз.

Колхоз хўжалигини комплекс ривожлантиришдаги катта хизматлари учун 8 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди, 37 киши Ленин ордени ва Меҳнат Қизил байроқ ордени билан, 257 киши бошқа орденлар ва медаллар билан тағдиланди. Колхоз пахта, пилла, гўшт, сўт ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашда катта сафарлар кучиди, меҳнат аҳлининг турмуши беқисс яхшиланди. Иш қарибиди бош тажриқовлар ортирилди, ойна яхши умидлар билан социалистик мусобақа боғлар эканмиз, дўстларимизнинг ана шу тажриқовларини ўрганиш иштиқамиз.

Пахтакорлик энг шарафли касба айланди. Чунки пахтачилик ривожлантириш масаласи билан Коммунистик партия ва Совет ҳукумати муттасил шугулланипти, пахтакорлар ҳақидаги гап-хўрақини кўпайтирипти. Бунга жавобан тожик пахтакорлари ҳам Ўзбек пахтакорларини сингарини она-Ватанга тобора кўпроқ «оқ олтин» армуғон этипти. 1972 йилда Тожикистон Совет Социалистик Республикаси давлатимизга 743 минг тонна, Регар районики 39.500 тонна «оқ олтин» етказиб берди. Ўзининг илҳозимиз 7.359 тонна пахта армуғон этиб, умумҳалқ ишига ўз ҳиссасини қўшди. Бундай муваффақиятга партия ва ҳукуватимизнинг раҳбарлиқлари тўғрйли эришди.

Уртоқ Л. И. Брежнев 1973 йилда совет ишчилари, шу

жумладан қишлоқ меҳнатқиллари олдида жуда катта вазиқлар турганини, бу вазиқлар КПСС XXIV съезди қарорлари ва партия Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларидан келиб чиқинини, ўша вазиқларини бақаришга бутун куч-ғайрат, резервларини сафарбар этиш зарурлигини алоҳида таъминлади. Бунга жавобан Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз аъзоларини социалистик мусобақача чакриш билан 1973 йилда қуйидаги мажбуриятларни қабул қиламиз.

Пахта майдонларининг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтариб, она-Ватанга 7.100 тонна «оқ олтин» сотамиз. Халқимизга 850 тонна сўт, 441 тонна гўшт етказиб берамиз. Ҳар бosh сизгирдан 3 минг литрдан сўт соғиб олаётган сизгир соғувчиларини иш тажрибасини умуми ферма ходимларининг мулкига айлантирамиз. Ҳар бosh қорамолнинг тирик вазнини 450 килограммга етказиб гўшта топирамиз. Чорва молларини туёқ сонини ҳисобга кўпайтириш планларининг барча турлари бўйича гўла бақарилишини таъминлаймиз. Жун, тузум етиштиришни ўтган йилдагидан анча кўпайтирамиз.

Давлатга бошқа хил маҳсулотлар соғитини ҳам кескин кўпайтирамиз. Жумладан, 2700 тонна герань, 27 тонна пилла, 1400 тонна сабзавот ва 180 тонна полка маҳсулотлари, 80 тонна картошка, 170 тонна мена ва узум армуғон этиамиз.

Қўқлам экин мавсумига тайёргарлик ишларини қизиқиб юбордим. Фурсат қудай желганидан фойдаланиб, экин ерларини шудгорламоқдамиз. Автоктор паркидаги 123 та турли мариядаги тракторлар ремонтни тугалламоқда, февраль ойида бу муҳим ишнинг ишга етказамиз.

Колхозимизда 2662 бosh қорамол, шу жумладан, 756 бosh сизгир бор. Салкам 17 минг бosh ҳисори кўйга эгамиз: Чўчқалар, паррандалар, йилдиқлар сонини кўпайтирилиб, маҳсулдорлигини ошириляпти. 1973 йил чорва қишлоқини намунали ўтказиб, чорвадорларнинг Бутунитифоқ социалистик мусобақасида голиб чиқиш учун курашамиз.

Колхозимизда ўтган йил эъанори кенгашларда 1640 тонна пахта терилган эди. Бу йил 2 минг тонна пахта терилишини таъминлаймиз. Бунинг учун механизатор кадрлар тайёрлашни кўпайтирамиз, янги териш агрегатлари харид қиламиз. Уруғлик белгит, минерал ўғитларини вақтида ташиб оламиз, сероф бўлишига йўл қўйамиз, самарадорлигини оширамиз.

Партия ташқиотчилик фаолияти, таъсир доқраси, ташқиотчилик ролини янада кўпайтирамиз, идеология ишнини меҳнатқилларнинг беш йилликнинг учинчи йили топириқларини мунтазам илгари бақаришга сафарбар этиш руҳида олиб берамиз.

Мусобақача голиб чиққан ва пахтадан энг юқори ҳосил олишини таъминлашга бригада бошлиқларини, илгор механизатор, сувчи ва бошқа касб эгаларини моддий ва маънавий рағбатлантирамиз.

Қўқлам экин мавсумига тайёргарлик ишларининг боришини шу йил апрель ойида, гўза парварини соҳасида қилинётган ишларини июль ойида ўзаро текширишдан ўтказамиз, йил охирида планлар ва мажбуриятларнинг бақарилиши ҳақида мусобақадорларимизга ахборот берамиз, юқорида белгиланган мукофотларини тантанали равишда топирамиз.

Колхоз аъзолари номидан: **Асқарали МИРЗАЕВ,** Тожикистон ССР Регар райониди Ленин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Абдулла АЗИМОВ, партия комитетининг секретари.

Мирзаарса МАМАРАСУЛОВ, касаба союз комитетининг раиси.

Маҳмуджон ТУХТАСИНОВ, комсомол комитетининг секретари.

Жўрабой РАҲМОНОВ, пахтачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Ахмадҷон САФАРОВ, пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ОММАНING ЖОНЛИ ИКОДИ БУЛИБ, ИЛГОРЛАРИНИ АКТИВ ҚУЛАБ-ҚУВАТЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ ИГИНА ЭМАС, БАЛКИ ОРҚАДА ҚОЛГАН ЕКИ ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА ҚАЛОЛ МЕХНАТ ҚИЛМАЕТГАН КИШИЛАРИНИ ҲАМ АНИҚ БИЛИБ ОЛИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ.

БУ ИШНИ ҲАММАНING КЎЗ ОЛДИДА ОШҚОРА БАЖАРИШ КЕРАК, ТОКИ КИШИЛАР БУТУН КУЧ - ҒАЙРАТЛАРИНИ САРФ ҚИЛИБ, ИШЛАЕТГАНЛАРИНИГА ЭМАС, БАЛКИ ХЎЖА КЎРСИНГА ҚЎЛ КУЧИ БИЛАН ИШЛАЕТГАНЛАРИНИ ҲАМ БИЛИБ ОЛСИНЛАР...

ИШНИ ШУНДАЙ ТАШИШ ЭТМОҚ КЕРАККИ, ЮКСАК МЕХНАТ УНУМДОРЛИГИ УЧУН, ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЯХШИ КЎРСАТКИЧЛАРГА ЭРИШМОҚ УЧУН, МАҲСУЛОТНИНГ ЮҚОРИ СИФАТИ УЧУН КУРАШ УМУМХАЛҚ ИШИ БУЛИБ ҚОЛСИН.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Умумий ер майдони — 12 минг 324 гектар. Шу жумладан, суғриландиган ерлар 2522 гектар.
- Колхозга 1104 хўжалик уюшган, аҳоли сонини 4215 киши.
- Хўжаликда 16 миллат вакиллари бир ёта-олинган бола. Рақидек ишлаб, меҳнат қилмоқда.
- 14 та далачилик бригадаси бўлиб, шундан 10 таси пахтачилик билан шугулланади, қолганлари богдорчилик, сабзавотчилик ва қаноп етиштириш билан банд.
- 6 та чорвачилик фермаси бор.
- 11 қишлоқ водопроводлаштирилган, 500 хўжалик табиий газ билан таъминланган.
- 20 дан ортиқ маданий, маънавий ва маданий оқартув муассасалари аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

ҲАРАКАТ — ҲАЁТ

ОИЛА ДАВРАСИДА МУТОЛАА

Буюк совет олимлари академика А. М. Оларин ва профессор В. Н. Флоровскийларнинг илҳозини эътиборга олиб, планетаимизда жонли ҳаётнинг бошланғичи давомлик катта ва кучли ҳаракатлар сабаб бўлган. Оташ нафасини ёнар тоғлар қарибидан отилиб чиққан мураккаб кимёвий бирикмалар (магма) ер сатҳини қоплаган сув ҳавзаларига тушади, аралашди ҳаёт қозони «бик-бик» қайнайди. Ана шу жараён тўғрйли жонли ҳаётнинг асоси — углеводород (углерод билан водород) қўшмамадани ҳаёт асоси бўлади. Демак, жонли ҳаёт бўлиб, ҳануз узлуқсиз йўналишда. Хомила жараёни деқиссим, ҳаётқилини ойна қоринда ўнш, ривож топиши деқиссим, ёки унинг брғу дунёга келиши деқиссим — барчасининг негизиди ҳаракат ётади.

Еру дунёга келган ҳаётқили оғанимизда дом фаол ҳаётни қарайлар мавжуд. Юрак бир дақиқада юз мартача дук-дук уради, томирларда қон ҳаракатга келади, ўпкалар нафас олади. Қишқарганча хужайралар эскириб, ўлиб, ўрнига янги шунча хужайралар пайдо бўлиб туради.

Еш болалар кун бўйи шундай ҳаракатлар қиладики, катта киши тақорларга оғанимиз қилади. Ҳаракат, жисмоний меҳнат 600 та

қарияларимиз бирор юмуш бақаришмасалар, кунгиллари жойига тушмайди. Улар одатан, баъзан, куч-қувватини олганиндан кўра, гайратини олган бўлмасиди, деб нолийдилар. Гап гайратда эмас, балки ҳаракатда. Арасту таъбири билан айтсак, ҳаёт ҳаракат қилишни тақозо этади. Тиссо айтганидек, ҳаракатнинг организмга таъсири хоҳлаган муолижанинг ўрнини босади, аммо дунёнинг барча дорин-дормонлари ҳаракатда наф беролмайди.

Одамлар бир донадан: — Улмига нима яқин-у, нима узоқ! — деб сўрашмиди. — Улму ўлмига қанча яқин бўлса, ҳаракат уни шунча узоқ қилади, — деб жавоб берибди доно. Демак, ҳаракатсизлик кишини тўшакка яқин қилади. Дарвоқо, туриб қолган сув тез бузилади. Аксинча, «отти думалаган сув ҳалол» деган иборда бир олам маъно бор. Бундан оқиб турган, яъни ҳаракатдаги сув тоза, соф, ишлатса бўлади, деган ҳулоса чиқарди. Қиш чилласида водопроводдаги сув ахлаб қолади. Қрандан жимиллаб оқиб турган сув яхламайди. Ҳаракат тўғрйли худди тририкдек оқиб ётибди, худди «кири бордек» туюлади.

Кўш узлуқсиз, порлашлар дароқасиди ҳаракатда. Кўшми, планетамиз бир дам фаолиятдан, ҳаракатдан тўхтаса ҳаёт кун-пакун бўлади. Одам ҳам, жониворлар ҳам ҳаракатсиз қолса, аввал сустлашиб, заифлашиб, сўнг нобуд бўлади. Қарасда аралган, яъни ҳаракатсиз қолган, масалан, қувён тез ҳалок бўлади, одатдан ҳаракатдан қолган бўри, тулки ва бургут тўтиқчи беради, ўлжа бўлади.

Одамнинг, қолаверса, юракнинг ҳаракатдан қолшини одатда экон умидда деб атаймиз. Демак, ҳаракат ҳаёт рамзидир. Э. ЗИКРИЛЛАЕВ.



М. Нуриддинов фотоси.



БЕРЛИН. Берлин аҳолиси ва Германия Демократик Республикаси пойтахтига келган меҳмонлардан 115 миң киши «СССР-50» фото-вистажининг томоша қилди. Бу вистажини герман — совет дўстлиги йилмияти Берлиндаги телемюра биндаги кўргазма павильонда ташкил этди. Кўп миллатли Совет Иттифоқининг ярим асрлик юбилейга бағишланган бу вистажга эндилда Дрезден, Магдебург ва Лейпцигга намоиш қилинади.

БЕЛГРАД. Утга Ян Югославия саноат ишлаб чиқаришининг ҳақими 1971 йилдаги нисбатан 7,7 процент ортди. Иттифоқ статистика бошқармасининг директори И. Латифич бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида шу ҳақда гапирди.

Кемасозлик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш гоат ўсиб, 25 процент кўпайди. 1972 йилда химия саноати, электр энергетика, ранги металлургия, кўнчилик, пойафзал, турмачилик, қоғоз саноати ва Югославия экономикасининг бошқа бир қанча тармоқлари ҳам тез суръатлар билан ривожланди.

ГУАЯКИЛЬ. Бу ерда Эвадор Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум маълумотдаги сиёсий аҳвол ва партия йўналиш комитетининг фаолияти тўғрисида Эвадор Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари Педро Саваднинг докладыни тинглади.

Пленум партиянинг ташкилий структурасини ахшиллаш соҳасидаги тадбирларни, шунингдек Чили ва Вьетнам халқи билан бирдмаллик кампаниясини кўйатириш тўғрисидаги резолюцияни бир овоздан маъқуллади.

ПАРИЖ. Невера шахрида 15 январь ташкилотининг ташаббуси билан намоиш ўтказилди. Бу намоиш Вьетнам халқи билан бирдмаллик кампаниясини кўйатириш тўғрисидаги резолюцияни бир овоздан маъқуллади.


ПАРИЖ. Невера шахрида 15 январь ташкилотининг ташаббуси билан намоиш ўтказилди. Бу намоиш Вьетнам халқи билан бирдмаллик кампаниясини кўйатириш тўғрисидаги резолюцияни бир овоздан маъқуллади.

СОМАЛИДА чет тилларда чиқадиган кундалик ва ҳафталик газеталарнинг ҳаммаси 21 январдан бошлаб фақат сомали тилида нашр этилади. Ахборот ва миллий ориентация министриги Сомали олий резолюцион кенгашининг декретига мувофиқ шу қарорни қабул қилди.

ЛОНДОН. Буюк Британия Компартияси матбуот бўлимининг раҳбари Антони Чейтер куйидагиларни айтди: Американинг Вьетнам Демократик Республикасини бомбардирон қилишларини тўхтатиш Вьетнам халқининг ва жаҳон афйор оммасининг муҳим талабидир. Шу билан бирга, деб таъкидлади у, жамоатчилик Вьетнамда тинчликни тиклаш учун курашини сўсайтирмаслиги керак.

ПАРИЖ. Соғлиқни сақлаш министригининг вакили Юкумий энглиз гриппи мамлакатнинг ҳамма қисмига тез ёйилганлигини айтди. Франгалининг шимолдаги ва шарқий раёнларида шу касалга мубалога бўлган жуда кўп киши руҳхатта олинди.

Бу сурат ГДРдаги энг йирин ҳисобланган Боисберг иссиқлик электрстанциясидан олинган. Яқинда бу ерда биринчи навабат агрегатлари мuddатдан икки ой аввал ишга туширилди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар электростанция қурилишига ёрдам бермоқдалар. Юздан ортқ совет корхоналари унга ускуналар етказиб беришти.



АДН-ТАСС фотоси.

Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати делегациясининг баёноти

ПАРИЖ, 16 январь. Мати делегациясига маълум (ТАСС). Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг Вьетнам масаласи бўйича Париж кенгашидаги делегацияси вакили бундай деди: ВДР делегацияси АҚШ Шимолий Вьетнам территориясини бомбардирон қилишни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисидаги битмиа имзолашини ҳам талаб қилди, деб айтди.

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ПОЛЯК ФАНИ ЙИЛИ
Польшада 1973 йил поляк фани йили деб эълон қилинди. Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ва Польша Халқ Республикаси Министрлар Совети бу қарорни қабул қилганлигининг боиси шунки, бу йил учта муҳим байрам — буюк поляк астрономи Н. Коперник тутилган кунининг 500 йиллиги, Польшада халқ маорифи комиссияси тузилган кунининг 200 йиллиги ва Фанлар академиясининг 100 йиллиги нишонланади.

Юбилей тантаналари «Фан — социалистик ватанга» деган шир остида ўтказилади. Шу йилнинг июни ойда поляк олимларининг конгресси ўтказилади. Бу конгресс жуда катта воқеа бўлади. Конгресс социалистик ҳамдўстликдаги давлатлар билан илмий ҳамкорлик кенгайиб ва кучайиб борганлигини эътиборга олиб, фани янада ривожлантиришининг яқин 10-15 йилга мулкаланган программасини ишлаб чиқади.

САМАРАЛИ АЛОҚАЛАР

СОФИЯ. Халқ ҳоқимияти йиллари мобайнида Болгария фани катта муваффақиятларга эришти ва дунё миқёсида оубу қозонди. Масалан, мамлакатда ўтказилган кундан-кун халқаро илмий тадбирлар шундан далолат беради. Бултурги йилнинг ўзидagina Болгарияда архитекторларнинг XI жаҳон конгресси, қишлоқда медицина хизмати масалаларига бағишланган V халқаро конгресс, философларнинг XV жаҳон конгресси ва олимларнинг бошқа кўп хил учрашувлари бўлиб ўтди.

БХР Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатлар ўртасида фан-техника ҳамкорлиги билан шугулланувчи 13 та ихтисослашган ташкилот ва органларининг йилда актив қатнашмоқда.

Болгария космик фазони тинчлик мақсадларида тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш «Интеркосмос» программасини бажаришида бошқа социалистик мамлакатлар билан бирга қатнашмоқда.

Мамлакат социалистик мамлакатлар ва биринчи навбатда Совет Иттифоқи билан икки томонлама ва кўп томонлама асосда тоат яқин илмий алоқалар боғлаб турибди.

ФЕСТИВАЛГА ТАЙЕРГАРЛИК

БЕРЛИН. Егача ҳали анча вақт бор. Аммо ёшлар ва студентларнинг X жаҳон Фестивали эмблемаси — беш янроқли гул — метро станцияларининг вестибюллларини, магазинларини витриналарини, Берлиндаги уйларнинг пештоқларини безатиб турибди.

ГДР пойтахти барча қитъалардан келадиган ўн миңлаб меҳмонлар — йилги ва қизларни қабул қилиб олишга тайёргарлик қурмоқда. Берлин стадиони реконструкция қилинмоқда. 28 июлда бу ерда фестивалнинг тантанали очилиш маросими бўлади. 1,8 миллион кишини ўз сафларида бirlаштирган Эркин немис ёшлари союзининг сон-саноқсиз отрядлари фестивал олдидан ўтказилган шанбаликларда янги боғлар, хибонлар барпо этмоқдалар. Студентларнинг ётоқхоналарини жиҳозламоқдалар. Фестивал меҳмонлари ва иштирокчилари учун Берлин атрофида 40 га яқин туристик базалар ва пивер лагерлари ажратилди.

X жаҳон фестивали «Империализмга қарши бирдамлик тинчлик ва дўстлик учун» деган шир остида ўтади.

ПЕНТАГОН ВАКИЛИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН, 16 январь. Р. Никсон, 17-параллелдан шимолда ВДР территориясини осмондан ва денгиздан бомбардирон қилишни, шунингдек унинг портларини буидад буби миналаниш тўхтатиш тўғрисида буйруқ берганлиги муносабати билан мухбирларнинг саволларига жавобан шундай деди. Пентагон вакили Америка самолётлари разведка мақсадида ВДР территориясини устида учиниш давом эттириверадими, деган саволга жавоб беришдан бош торғиди.

Ж. А. НОСИР НОМИДАГИ МУКОФОТЛАРИНИНГ БИРИНЧИ ЛАУРЕАТЛАРИ

Новости матбуот агентлигини Миср Араб Республикасининг маданият ва маълумотнинг министри билан биргаликда Совет Иттифоқи билан Миср Араб Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик қозиларини пропаганда қилувчи адабиёт, санъат, фан, публицистика соҳасидаги энг яқин асарлари учун Миср граждандарини ва СССР граждандарини ҳам йил рабағлатлаштириб турши мақсадида Ж. А. Носир номида мукофот фондиди таъсис этилди.

Ж. А. Носир тутилган кун, 15 январда совет жюри-комитетини Миср Араб Республикасининг Москвадаги элчихонаси ходимлари иштирокида совет жамоатчилиги вакиллари йилгида биринчи лауреатларнинг номлари эълон қилинди. 1972 йилги Ж. А. Носир номи мукофот Миср Араб Республикаси маданият ва маълумотнинг министригини ўринбосари Аҳмад Саъиддин Мухаммадга берилди.

Қоҳиреда Миср жюри-комитетини Миср тарихини ўрганиш соҳасидаги кўп йиллик илмий фаолияти учун профессор В. И. Авдигага; миср халқ ҳаётидаи ёзилган ҳамда Қоҳирадаги опера ва балет театрида қўйилган «Матонат балетининг муносиб ушун композитор СССР халқ артисти Муҳтор Ашрафийга; баланд Асаон тўғрисида қурилишида ишлаган совет кишилари билан мисрликларнинг дўстлиги ва ҳамкорлигини ҳаққидagi «Ил афсонаси» повести учун ёзувчи А. Ф. Хижнакка Ж. А. Носир номи мукофоти берадиган бўлди.



АДН-ТАСС фотоси.



АДН-ТАСС фотоси.



АФП-ТАСС фотоси.

Филипп Григорьевич ИДЕССИС

Ўзбекистон нашриётларининг энг кенса ходимларидан бири, «Ўзбекистон» ССРда хизмат кўрсатган маданият ҳодими. Гафур Гулом номи нашриёт директориининг ўринбосари Филипп Григорьевич Идессис вафот этди.

Ф. Г. Идессис 1906 йилда Украинлада иччи оиласида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1919 йилда бошлаган Ф. Г. Идессис 1921 йилда нашриёт ҳодими бўлиб қолди.

1925 йилда Ф. Г. Идессис Ўзбекистонга кўчиб келиб, Давлат нашриятининг Самарқанд бўлимига ишга кирди. Ушундан буюн унинг фаолияти республикадаги матбуот ва нитбо нашр этиш ишини ривожлантириш билан боғлиқдир.

Ф. Г. Идессис катор раҳбарлик лавозимларида ишлади. у 1927-йилдан 1930 йилгача «Июности» ва «Правда» марказий газеталари ўрта Осн бўлимида муҳририн қилди. 1930 йилдан 1939 йилгача «Ишчи-Эр бешистон» ва «Правда Востока» бirlашган нашриятининг бўлим мудирини ўринбосари ва бўлим мудирини, 1939 йилдан 1941 йилгача Ўзбекистон полиграфия компаниясини директори бўлиб ишлади.

1941 — 1946 йилларда Ф. Г. Идессис Совет Армиеси сафарида бўлиб, вазод командири, рота командири ўринбосари бўлиб инал қилди. Фашист боеқинчиларга қарши жангларда

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ БИЛАН ТУЗИЛГАН ШАРТНОМА СИЗНИНГ МАНФААТИНГИЗНИ КЎЗЛАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ БОШ БОШҚАРМАСИ



БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ

Бахтсиз ҳодисалардан қўнгили страхование қилиш шартномаларини 16 дан 70 ёшгача бўлган граждандлар бир йилдан беш йилгача бўлган мuddатга ҳар хил страхование суммаларига тузишлари мумкин.



Давлат страхованиеси бахтсиз ҳодиса натижасида умумий меҳнат қобилиятини йўқотганларга ва ҳалок бўлганларга страхование суммаларини тўлайди.

Страхование эълолик бодаллари ҳар 100 сўм страхование суммасидан страхование қилинган одамнинг касби ва унинг иш лойи соҳасига қараб 25 тингидан 1 сўм 20 тингигача олдидан тўланади.

Страхование шартномасини тузиш тартиби ва шартлари билан муфассал танишиш учун Давлат страхованиеси инспекциясига ёки ҳар бир райондаги страхование агентига мурожаат қилинг.

«ЎЗБЕКОНЦЕРТ» «БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА 20 ЯНВАРЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Монголия Халқ Республикасида хизмат кўрсатган артист, халқаро конкурс лауреати О. ГАНБАТОР; Ю. ЦЭРМАН, Д. ЖАРГАЛСАЯХАН, Г. ЭРДЭНЧИМЭГ, Г. ТУМЭНДЭМБЭРЭЛ;
СССР халқ артисти САОДАТ ҚОБУЛОВА;
Ўзбекистон ССР халқ артисти ИЛАРА ЮСУПОВА;
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: ТАМАРА ЮСУПОВА, БАҲРОМ МАВЛОНОВ;
Ўзбекистон Ленин номсонида мукофотининг лауреати ОДИЛ КАМОЛХУНАЕВ;
Концертмейстерлар — Е. СМРНОВА, К. МУҲАММАДНОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ Ансамблининг бадий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист С. ТУХТАСИНОВ.
Билетлар кундуз соат 2 дан сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА 24, 25 ЯНВАРЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССР халқ артисти ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВА.
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти ГҮЛШОД ОТАБОВЕВА.
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ҚИЗЛАРХОН ДҲСТМУҲАМЕДОВА.
Солистлар: Алишон ҲАСАНОВ, Дадахон ҲАСАНОВ, Азиз АЗИЗОВ, Сора ШУКУРОВА, Ҳамид ХУНАЕВ, Ортқ ОТАЖОНОВ.

Телеминистора ва сўз устаси ҲАСАН ПЎЛДОШЕВ.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилмоқда.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БҮГҮН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА 18.00 — ТОШКЕНТ, 18.05 — Қўрғишон фильм, 18.20 — «Ёшлик» студияси кўрсатди, 19.00 — «Меҳнатини шарофатлими», 19.30 — МОСКВА, 20.00 — ТОШКЕНТ, «Аҳборот», 20.15 — Ҳа минут шеърхонини, 20.25 — «Аҳборот», 20.55 — «Ассалом театр», Ҳ. Раҳимов, У. Нисомов, «Зафар» (Телевизион опера премьераси), 22.00 — МОСКВА, «Вақт», 22.30 — ТОШКЕНТ, «Ассалом, театр» (телевизион операнинг давомини), 23.10 — Рағли толовдене. Хужастли фильм. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ҳуку программаси, 12.00 — Телефильм, 12.25 — Ҳуку программаси, 18.00 — МОСКВА, 19.30 — ТОШКЕНТ, 20.00 — МОСКВА, Дарь орти-чегара (бадий фильм), 22.00 — ТОШКЕНТ. Хунаятли фильм, 22.30 — МОСКВА, УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Янгилияр, 19.10 — Телефильм, 19.50 — Болтиқ осмони (бадий фильм, 2-серия) 21.20 — Пойтахтиниз меҳмонлари.

КИНО

Андоқлар сирини — «ЎЗБЕКИСТОН», «МНР» (куфт соатларда), Г. ГҮЛОМ номи (тоқ соатларда). Сен менин ҳайтинсан (2 серия) — НАВОНИ номи (кундуз ва кеч кўруи).

Кутилмаган меҳмон — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6, 8 ва 9 яримда), «ВОСТОК» (орталаб соат 11, кундуз 3 ва 5 да).

Рустам ва Сухроб — САНЪАТ САРОБИ (орталаб соат 11 ярим ва кеч 9 да), «ЧАЙКА» (орталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да), «МОСКВА» (кундуз соат 1, 3, 5 ва кеч 7 да).

Андрей Рублев — (кундуз соат 3 ва кеч 8 да), Қора фаршталар (орталаб соат 11, кундуз 12, 2, 5, кеч 6 ва 9 да) — «СПУТНИК».

Нариги томон кишини — ЭТОШ КЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 80 ЙИЛЛИГИ» (куфт соатларда).

Одам орнестр : Тахта — САНЪАТ САРОБИ (кундуз соат 1 ярим, 4 ва кеч 6 яримда).

Адашганлар — «МОСКВА» (орталаб соат 11 ва кеч 9 да).

Рам ва Шам (2 серия) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12 ва 3 да).

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА 18/1 да Чин-чн-сан, 19/1 да Онуш куни.

ҲАМЗА НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/1 да Самандар, 19/1 да Вой ила хизматини.